



XXI ASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 22-oktyabr, payshanba, 42 (622)-son

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Қадри дўстлар!

Авалло, сиз, азиз деҳқон ва фермерлар, сувчи, агроном ва механизаторларни, барча дала меҳнатқашларини ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этганингиз билан самимий муборакбод этишни ўзим учун катта шараф деб биламан.

Ўз ҳаётини дунёда энг машаққатли ва олинган ишга бағишлаган сиздек фидойи инсонларнинг йил бўйи тер тукиб қилган меҳнатингиз ҳисобидан жорий мавсумда 7 миллион 300 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта етиштиришга, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам белгиланган режаларни муваффақиятли бажаришга эришганимиз ҳаммамизга катта хурсандчилик етказди.

Бугунги мана шундай қувончли кунда 2015 йилнинг биз учун ҳар томонлама ҳосиятли ва омадли келгани, йўлимизни ўзи очиб бераётгани учун аввало Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунагимиз — деҳқончиликда осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги мавсум ҳам турли таъбишлардан холи бўлмагани, айниқса, март ойида қутилмаганда қор ёғиши, қаттиқ совуқлар, ёз ойларида ҳаво ҳарорати илгари ҳеч қачон қузатилмаган даражада юқори бўлиб, айрим ҳудудларда 45 даражага етгани катта қийинчилик ва муаммолар туғдириб, қишлоқ меҳнатқашларининг иродасини яна бир бор жиддий синовдан ўтказгани барчамизга маълум.

Кўпни кўрган, азму шижоатли ва матонатли деҳқонларимиз ана шундай қийинчиликларни мардона энгиб, кунни — кун, тунни — тун демасдан, ҳар түп экин атрофида парвона бўлиб, мўл ҳосил етиштиришга эришгани, ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирадиган бу йилги мавсумнинг юксак натижалари ҳақида гапирар эканмиз, бунинг замирида авваломбор чуқур ўйланган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар, аграр соҳа ривожини замонавий бошқича кўтариш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш бўйича олиб бораётган стратегик йўлимиз мукддас эканини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати қишлоқларимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти кучайиб, уларнинг келажакка ишончи янада мустаҳкам бўлиб бораётгани — буларнинг барчаси нафақат қишлоқ хўжалигини, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда.

Барчамизга аёни, бошқа соҳаларга қара-

ганда ўзининг гоят нозиклиги, кўп меҳнат, катта билим ва тажриба талаб қилиши билан ажралиб турадиган пахтачиликда юксак натижаларни кўлга киритиш осон эмас.

Бу ҳақда гапирганда, йил давомида қишлоқ меҳнатқашларининг ишни тўғри ташкил этиб, юксак сафарбарлик ва уюшқоқлик билан белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилгани, моддий-техник таъминот, барча агротехник тadbирларни, хусусан, чеканка ва дефляцияни ўз вақтида, сифатли ўтказиш масалаларига жиддий эътибор қаратилганини алоҳида қайд этиш зарур. Энг муҳими, етиштирилган пахта ҳосили гоят қисқа муддатларда — 35-40 иш кунда йигиб-тегиб олингани, унинг 90 фоизи юқори сортларга топширилгани камдан-кам учрайдиган ҳодиса, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бугунги хурсандчилик кунда шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажарган Андижон, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, барча вилоятларимизнинг пахтакорлари мамлакатимизнинг юксак хирмонини бунёд этишга муносиб хисса қўшганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада Амударё, Қораўзақ, Пахтаобод, Булоқбоши, Олот, Ромитан, Дўстлик, Миришкор, Касби, Қизилтепа, Минбулоқ, Наманган, Каттақўрғон, Оқдарё, Сирдарё, Бўка, Юқоричирчиқ, Бешариқ, Езевон, Тошлоқ, Жива, Янгиариқ, Қўшқўпир туманлари 20-25 иш кунда режани адо этиб, кўпчиликка ўрناк ва намуна бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айниқса, Эллиққалъа туманидаги «Рўзимбой бобо», Пахтаобод туманидаги «Олтин», Қорақўл туманидаги «Ҳосилдор», Мирзачўл туманидаги «Бахтиёр Асад ўғли», Қарши туманидаги «Нукрабод», Миришкор туманидаги «Камалак», Навбахор туманидаги «Янги ер», Минбулоқ туманидаги «Барака», Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», Оқдарё туманидаги «Тоғмаҳал Зарафшон», Қумқўрғон туманидаги «Саодат», Олтиариқ туманидаги «Нурли обод», Қува туманидаги «Олтин диёр, оқ олтин», Янгибозор туманидаги «Бегибод Бўқалъа», Ҳазорасп туманидаги «Ғафур Рухия» сингари фермер хўжалиқлари гектаридан 45-50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани таҳсинга сазовордир.

Улкан зафар муборак!

Бу йилги мавсумда мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари ғалла, пахта етиштириш, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича шартнома мажбуриятини ошириб бажарди.

Муносиб меҳнат қилган деҳқоннинг сурурли дамлари ҳам кўп бўлади. Қадаган уруғи заминдан бош кўтарганда бир қувонса, ҳосил баракасини кўриб севинчи янада ортади. Ҳар йил, ҳар мавсум деҳқонни қайта-қайта синовдан ўтказадди. Ризқ-рўзимиз бўлган экинларни ўстириш, уларни табиий офат ва об-ҳаво инжиқликларидан асраш, пишиб етилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йигиб-тегиб олиш, истеъмолчиларга етказиб бериш — буларнинг бари катта сабот ва тadbир-

корликни талаб этади. Деҳқон йил бўйи тиним билмай меҳнат қилади. Экинни ардоқлаб, вақтида сугориб, вақтида озигини бериб парваришлайди. Улкан хирмон завқи кўнгилларга олам-олам қувонч бахш этади. Чунки бу хирмон ҳалқ насибаси бутунлигига, юрт ободлигига ва фаровонлигига янада юксалишига хизмат қилади. Шу боис бу қувончга эл-юрт бирдек шерик бўлади.

Бу йил мамлакатимизда 7 миллион 300 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг

тоннадан зиёд пахта хирмони яратилди. Ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштирилмоқда.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида фермерларга яратилаётган имкониятлар муваффақиятларимизнинг асосий омил бўлмоқда, — дейди Бухоро вилояти Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев. — Жорий йилда 228 тоннадан зиёд «оқ олтин» етиштирдик. Самарали меҳнатимиздан юзимиз ёруғ, ҳаётимиз фаровон бўлмоқда. Мавсум охирига қадар ҳосилдорликни гектаридан 50 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилаётимиз.

ЭКСПОРТНИ КўПАЙТИРИШ ВА ИМПОРТНИ КАМАЙТИРИШ

Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Истиқлол дизайн маркази» жамоасининг шиори ана шундай. «ИДЕАЛ» бренди остида замонавий ва харидорғир маҳсулот ишлаб чиқараётган мазкур МЧЖга O'zLiDeP фаоли, ёш тadbirkor Бахтиёр Умаров раҳбарлик қилади



Алоҳида таъкидлаш жоизки, қарийб ўн йил давомида ички бозорга импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни етказиб беришда катта нақшага эга бўлган корхонада дастлаб фанат костюм-шим ва эркаклар кўйлаги тинилган бўлса, ҳозирда 30 турдан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Қамров кенгайиши билан иш ўрнилари ҳам тобора кўпайиб бораётган. Бандлиги таъминланганларнинг аксариятини маҳаллий коллежаларни битирган ёшлар ташкил этади.

— Марказимиз ўз номига муносиб равишда энг замонавий дизайн асосидagi янги моделларни яратишга ҳаракат қилгани, — дейди Б. Умаров. — Ўтган йиллари маҳсулотларимизни яқин хорижга экспорт қилган бўлсан, эндиликда унинг географиясини кенгайтиришни бош мақсад қилиб олганмиз. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда «ИДЕАЛ» бренди остидаги маҳсулотлар кириб бормаган бозор дегил қолмади. Чунки юқори сифатга нисбатан арзон нарх буртовмачиларнинг эътиборини торттишда муҳим омил бўлмоқда. Наманганга сафаримиз чоғида «Истиқлол дизайн марказининг» савдо заллари гавжув эканлигини ўз кўзимиз билан кўрганда бунга ана бир бор эмин бўлдик.

Шукрат РАҲИМОВ олган суратлар

Долзарб мавзудаги эшитув

«XXI ASR» газетасининг аввалги сонида хабар берилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги эшитув бўлиб ўтди. O'zLiDeP фракцияси масъуллигидаги Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тadbир давомида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Шукрулло Маҳмудовнинг ахбороти тинланди.



Мамлакатимиз Президенти парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини ошириш, депутатлик назоратини кучайтириш масалалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Айни пайтда бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, юқорида тилга олинган долзарб мавзудаги эшитув ана шу яхлит жараҳнинг ажралмас қисмидир.



Бугун Тошкент вилоятида O'zLiDePнинг 38 минг нафардан ортиқ аъзоси бўлиб, улар 758 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Тахлиллар сўнгги икки йилда ҳудудда партия аъзолари сони қарийб уч баробар, БПТлар эса салкам икки баробарга кўпайганини кўрсатмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ мақдорнинг ортиши партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари, жойлардаги бошланғич ташкилотлар, қолаверса, депутатлик гуруҳлари фаолиятининг сифат кўрсаткичларига қандай таъсир ўтказмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Мухбиримиз ана шу мавзуда O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси Шунқор УМРЗОҚОВ билан мулоқотда бўлди.

МАҚТОВ ОҲАНГИДАН ЙИРОҚ МУЛОҲАЗАЛАР

— Шунқор ака, бизга берилган маълумотлар бўйича ҳар ойда мингга яқин киши O'zLiDeP аъзоллигига қабул қилишни сўраб мурожаат қилаётган экан. Бу бир жиҳатдан партиянинг одамлар орасига нақадар сингиб кириб бораётганидан далолат. Аммо масаланинг бошқа жиҳати бор, яъни сифат. Айтингчи, бу рақамлар ортида нималар ётибди?

— Чиндан ҳам, бугунги кунда вилоятда партия аъзолари сони ортиб борапти. Лекин бунга бирданига эришилгани йўқ. Ўтган йиллар натижаларини таҳлил қилиб кўрдик. Жуда паст кўрсаткичли йиллар ҳам бўлган экан. Одамлар орасига эндигина кириб бораётган, партия-

вий лойиҳаларимиз самараси кўринмаган пайтларда ана шундай натижалар кўзга ташланган. Бугун-чи? Масалан, биргина Оҳангарон туманида ўтган ойда 1036 нафар киши партия аъзоллигига қабул қилинди. Вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам қарийб шундай натижага эришилаёпти. Мавжуд 758 та бошланғич партия ташкилотимизнинг ҳар бирига туман кенгашлари раҳбарлари, депутатлик гуруҳлари аъзолари бириктирилган бўлиб, улар алоҳида график асосида БПТларда бўлишади. Чунки бизнинг асосий таянчимиз, боринги, аҳоли ҳамда электорат орасида бор-йўғимизни билдириб турадиган кўз-қуллогимиз ҳам БПТлардир.

Уларнинг етакчиларига жуда кўп нарса боғлиқлиги туфайли асосан партия ишидан яхши хабардор, билимли, кўпчиликни ўз ортидан эргаштира оладиган кишиларни раисликка тавсия эталяпти.

Биз бошқа партиялар билан рақобатчи эканмиз, табиийки, сафимизни кенгайтириш, шунда ҳам сон эмас, сифатни биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қилаёلمиз. Ҳозирги ютуқларимизнинг туб замирида ҳам одамларга яқинлигимиз, айниқса, тadbirkor ва фермерлар манфаатларини имкон даражасида ҳимоя қилаётганимиз, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминланишига кўмаклаш-ётганимиз ётибди.

Манфаатли келишув ва шартномалар

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси хусусий тadbirkorлик субъектлари экспорт салоҳиятини оширишга ҳар жиҳатдан кўмаклашмоқда. Бунинг самарасида иқтисодий таркибда ушбу сектор ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётган. Яқинда жамғарма «Ўзбекистон саноат» ДАК таркибидagi корхоналар билан ҳамкорликда Москва шаҳрида ўтказилган «Текстильлегпром» 45-федарал улгуржи кўргазмасида йигирмадан ортиқ маҳаллий корхонамиз иштирокини таъминлади. Айтиш жоизки, миллий маҳсулотларимиз жой олган кўргазмалар тўлиқ жамғарма ҳисобидан қоланди. Бундан ташқари, республикамиздаги 231 дан ортиқ тўқимачилик корхонаси ҳақида маълумот берувчи буклет ҳамда тарқатма материаллар ҳам жамғарма томонидан молиялаштирилди. «Текстильлегпром» — энгил саноат ҳамда тўқувчилик ускуналари бўйича энг йирик кўргазма ҳисобланади, бу гаги тadbirkorлик икки мингдан ортиқ тўқимачилик корхонаси иштирок этади. Кўргазма доирасида бизнинг корхоналаримиз хорижий ҳамкорлар билан манфаатли келишув ҳамда шартномалар имзолади. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан маҳсулот сифати ҳамда соҳадаги янгиликлар юзасидан турли хил давра суҳбатлари, ахборот-методологик семинарлар ўтказилди. Россиянинг биринчи тренд-бюроси — «Trendsquire» томонидан ўтказилган бугунги мода, дизайн ва маркетинг тўғрисидаги семинар ўз катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 20 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийадида қийматини белгилади.
1) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ва олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	1937,39	1 АКШ доллари	2663,45	1 Хитой юани	418,77	1 Польша злотийси	714,23	1 ЕВРО	3039,99
1 Англия фунт стерлинги	4112,10	1 Миср фунти	331,69	1 Россия рубли	43,41	1 СДР	3763,32	10 Жанубий Корея вони	23,73
1 Дания кронаси	405,64	1 Исландия кронаси	21,38	1 Украина гривнаси	125,06	1 Туркия лираси	920,69	10 Япония иенаси	223,09
1 БАА дирҳами	725,22	1 Канада доллари	2061,49	1 Малайзия ринггити	632,57	1 Швейцария франки	2791,88		

«...Бир-бирини такрорламаслиги, аксинча, тўлдириши даркор»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Қозоғистонда бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Парламент қуйи палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг қуйидаги мулоҳазалари мазкур саммит давомида билдирилган фикрларнинг долзарб аҳамияти хусусида



Зокир УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

— МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилиб, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашилди. Радикализм, терроризм, экстремизм ва наркотрафик таҳдиди ортиб, айрим ҳудудларда низо ва қарама-қаршиликлар кучайгани учун ҳам музокараларда асосий эътибор хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка қаратилди.

Саммитда нутқ сўзлаган Юртбошимиз глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани, яқин ва узоқ мамлакатларда вазият тобора кескинлашиб, шиддат билан ўзгараётганини инобатга олган ҳолда МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг ушбу мажлиси ўз вақтида ўтказилгани муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Зеро, бугунги гоят мураккаб бир шароитда ҳар қандай учрашув ва фикр алмашиш, юзага келаётган таҳликали ҳолатлардан чиқиш йўлини биргаликда излаш фақат фойдали бўлишини ҳозирги даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳамдўстлик — бу давлатларнинг бевосита мулоқот қилиши, фикр алмашиши, долзарб масалаларни муҳокама этиши, ўзаро манфаатлар ва яратилган мустақам ҳуқуқий база, ўзаро ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган восита ва механизмлар ҳисобга олинган ҳолда, иштирокчи давлатлар ўртасидаги баҳс ва мунозараларни ҳал этиш учун кенг имконият берадиган тузилмадир. МДХ нафақат экстремистик фаолиятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, балки савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, Ҳамдўстлик ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши, долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзаро мақбул тадбирлар ишлаб чиқиш учун ҳам муҳим майдон вазифасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан ҳам мазкур саммитда муҳокама қилинган масалалар мазмун-моҳияти О'зЛиДеР электорати манфаатларига тўла мос келади.



Адҳам НАЗИРҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

— МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари Қозоғистондаги учрашувда яна бир бор ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини атрофлича муҳокама этиб, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашгани эътиборга молиқдир. Бироқ, Президентимиз таъкидлаганидек, шу ва бошқа тадбирлар яқунларини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсақ, бундай мажлисларда кўрилатган масалалар кўпинча умумий характерга эга бўлиб, бугунги кунда Ҳамдўстлик ҳудудида юзага келаётган воқеаларга деярли дахли йўқ ва моҳиятан кундалик ҳаётдан анча йироқ бўлиб қолаётгани ойдинлашади.

Шунинг учун ҳам фракциямиз аъзолари бундай умумийликнинг бош сабаби собиқ иттифоқ маконида бошқа давлатларро тузилмаларнинг пайдо бўлаётганида экани билан боғлиқ фикрларни тўла қўллаб-қувватлайди. Дарҳақиқат, ушбу давлатларро бирлашмаларнинг ҳар бири, МДХ ва Евроосиё иттифоқи ўз кун тартиби ва ҳаракат дастурига эга бўлиши, бир-бирини такрорламаслиги, аксинча, тўлдириши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, ўзаро манфаатли янги транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш орқали транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликини кенгайтириш, ўзаро имтиёз ва преференциялар бериш, келишилган ва самарали тариф сиёсатини юритиш ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан биридир.

Юртбошимизнинг саммитдаги нутқида айна жиҳатларга яна бир бор жиддий эътибор қаратилганининг босиси ҳам шунда.

ФОНД МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат иттиҳорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондигининг 2014 ва 2015 йилнинг 9 ойи учун давлат субсидияси ва ижтимоий буюртма доирасидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

КЕЛГУСИ СОНДА:

ЯНГИ МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРГАН ТАШРИФ



Раҳматулло КАМОЛОВ,
О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши раиси,
Тошлоқ туманидаги «Камолов Раҳматулло» фермер хўжалиги раиси

Айниқса, Фарғона туманидаги «Мустақиллик шукронаси» фермер хўжалиги дала шийпонидидаги дилкаш мулоқотлар давомида юқори сифатли, бозорбоп маҳсулот тайёрлаш, уни маҳаллий шароитда сифатли қайта ишлашни йўлга қўйиш, деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш юзасидан билдирган қимматли фикр-мулоҳазалари шахсан менда жуда катта таассурот қолдирди. Беихтиёр бундан роса 20 йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил этган кезларимни ёдга олдим.

Ушсанда бир фуқаро сифатида ўз

ерим, ўз мулкимга эга бўлганимдан бошим осмонга етганди. Аммо бундай марҳаматга жавобан халқим, давлатимга муносиб хизмат қила оламани, деб ҳаяжонланганим ҳам рост. Нафақат мен, балки биринчилардан бўлиб мустақил иш бошлаган барча ҳамкасбларим шундай ҳолатга тушганларимиз.

Бугун биргина Тошлоқ туманида 350 та фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Шундан 200 таси кўп тармоқли. Жумладан, бизнинг хўжалигимиз ҳам. Асосий йўналишимиз пахта ва галла бўлишига қарамай, 500 бошдан зиёд қорамол, 10 мингта товуқ боқаямиз. 1 гектарлик иссиқхона, 2 гектар ерда интенсив боғ ташкил қил-

Давлатимиз раҳбарининг вақти-вақти билан вилоятларда бўлиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишиши, аграр тармоқда етакчи кучга айланган қишлоқ мулкдорлари билан дилдан суҳбатлашиши яхши анъанага айланиб қолди. Ушбу сафарлар чоғида билдирган фикр-мулоҳазалар эса нафақат муайян бир ҳудуд, балки бутун мамлакатимиз учун аҳамиятли экани боис халқимиз, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонларнинг эътиборини тортмоқда. Шу маънода Президентимизнинг Наманган ва Фарғона вилоятларига ташрифи чоғида оддий одамлар билан қилган самимий суҳбатлари эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустақамлаб, янги-янги марралар, ташаббусларга руҳлантириши айна ҳақиқатдир

ганмиз. Кунига 3 тонна сутни қайта ишловчи цехимиз ҳам яхшигина даромад келтиряпти. Энг муҳими, 120 нафар ишчи-хизматчи доимий иш билан таъминланган.

Бундай натижаларга эришиш осон кечмади, албатта. Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга яратиб берилган имконият ва имтиёзлар биз учун қўш-қанот бўлди. Айниқса, мухтарам Президентимизнинг «сизлар давлатимизнинг устунларисиз», «сира бушашманлар, ортингизда мен турибман», деган сузлари кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди. Янги-янги довларга чорлади.

Алоҳида таъкидламоқчиманки, бугунги фермернинг кечагисидан ер билан ос-

монча фарқи бор. Қўлини қаерга узатса етади. Гап ақл билан иш тутиш, яратиб берилган шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдалана олишда, холос.

Буларнинг бари мустақиллик шарофати, Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, озод ва обод диёримиздаги тинчлик-осойишталик бардавомлигининг амалдаги ифодасидир. Шунинг учун бизнинг кўнглимиз, ҳар кунги ўзимизга «Кеча ким эди бугун ким бўлди», деган саволни беришимиз зарур.

Ана шунда йил сайин гуллаб-яшнаётган Ватанимиз янада файзли, янада обод, келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади.

МАҚТОВ ОҲАНГИДАН ЙИРОҚ МУЛОҲАЗАЛАР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

— Фикрингизча, одамларни партиёга жалб этиш учун аввало унинг обрў-эътиборини мустақамлаш керак, шундайми?

— Албатта. Аслида бир кишига фикрингизни етказишингиз, уни ортингиздан эргаштиришингиз жуда қийин масала. Таъкидлик эса вақт ҳам, жой ҳам танламайди. Аммо ҳар ким ҳам бунга муяссар бўла олмайдми. Қачонки одамларга тўғри йўл кўрсатилса, зарур пайтда ёрдам қўли чўзилса, кўннинг қорига яралса, энг асосийси — шу юрт учун, Ўзбекистонимиз учун ҳар қандай хизматга «лаббай», деб жавоб берилса, мен уйлайманки, бундай лидерга ҳамма эргашади.

О'зЛиДеР Тошкент вилоят кенгаши ана шу тамойилга риоя этиб келаяпти. Мана, ёшлар ёки хотин-қизлар бандлиги, оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиш, жойларда кичик бизнес субъектларининг сони ортиб боришида, ҳеч иккиланмай айта оламаники, партияимизнинг ўрни жуда катта. Бир тадбиркоримиз ёки фермеримиз бир йилда ақалки 3 тадан янги иш ўрни яратганда ҳам бу бир йилда ўртача 80 мингтани ташкил этади дегани. Айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни ўзлари қизиқан касбга йўналтиришга алоҳида аҳамият қаратаёلمиз. Тадбиркор ва фермерларимиз талабидан келиб чиқиб, турли мавзуларда назорат ва хизмат кўрсатувчи идоралар вакилларини жалб этган ҳолда мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этаёلمиз. Кейинги пайтларда ана шундай тадбирларимизга ёшларнинг ўзлари бош-қош бўлишмоқда.

— Бироқ ҳар доим ҳам учрашув, давра суҳбатлари билан иш юришавермайди-да...

— Нима демокчи бўлганимизни аналдадим. Тўғри, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Айтмоқчисизки, фақат тадбир уюштириб, сифатли маҳсулот етказиб бўлмайди. Пахта ёки



галла ўз-ўзидан ҳосил бермайди. Амалий иш керак. Амалий ишни эса биз бугун ҳар бир аъзоимиз, ҳар бир депутатлари вилоят ташкилотимиздан талаб қилаёلمиз. Талабимизга жавоб бермаганларни ҳам ўзимиздан йироқлаштирмасдан, унинг қобилияти нимага етса, шундан фойдаланаямиз.

Эътибор беринг, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги кенгаши ана шу тамойилга риоя этиб келаяпти. Мана, ёшлар ёки хотин-қизлар бандлиги, оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиш, жойларда кичик бизнес субъектларининг сони ортиб боришида, ҳеч иккиланмай айта оламаники, партияимизнинг ўрни жуда катта. Бир тадбиркоримиз ёки фермеримиз бир йилда ақалки 3 тадан янги иш ўрни яратганда ҳам бу бир йилда ўртача 80 мингтани ташкил этади дегани. Айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни ўзлари қизиқан касбга йўналтиришга алоҳида аҳамият қаратаёلمиз. Тадбиркор ва фермерларимиз талабидан келиб чиқиб, турли мавзуларда назорат ва хизмат кўрсатувчи идоралар вакилларини жалб этган ҳолда мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этаёلمиз. Кейинги пайтларда ана шундай тадбирларимизга ёшларнинг ўзлари бош-қош бўлишмоқда.

Афсуски, жойларда санокчи бўлса ҳам лоқайд, совуққон ёшлар бор экан. Олдимида турган асосий вазифалардан бири ана шундай ёшларни касбга йўналтириш, ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмак беришдир. Шоирнинг сўзи борку, айтми дўстим, нима қилдинг, Ватан учун, деган. Аслида ҳам ана шу сўзлар бугунги ёшларимизнинг

ҳаётий шиорларидан бири бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам биз уларнинг ўзларига кўп нарсани ишониб топшираёلمиз, тайёрига чақирмаямиз.

Қайсидир туманда 20 нафар ёш йигит-қиз бир тадбирни ўтказиш билан банд бўлса, уларнинг ҳар бири ёнига яна 5-10 нафар тендошини тортадимиз? Қараб-сизки, уларнинг сафи кенгайиб бораверади. Ана шу йўл билан ҳам ёшларимизни доимо янгиликка интилиб яшашига ундаёلمиз. Партияимиз сафи кейинги йилларда ёшлар ҳисобига кенгайиб бораётгани ҳам шундан бўлса керак.

— Сиз юқорида вилоятдаги бошланғич партия ташкилотларини кўз-қулгоғимиз дедингиз. Демак, уларга шу даражада ишонасиз. Аммо улар-чи, «кўрмаялман, эшитмаялман» қабилида иш юритмаяптими? Яъни, БПТларнинг иши ҳам «бошланғич» бўлиб қолмаяптими?

— Ўз ишидан қониқиш ҳосил қилган киши инқирозга учраши аниқ. Ҳали юқорида мен турли корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектларига ташкил этилган 758 та БПТга билимми, ўз ортидан одамларни эргаштира оладиган кишиларни етакчи қилиб қўймоқдамиз, дедим. Аммо ёлғиз отинг чанги чиқмас,

чанги чиқса ҳам донги чиқмас, деб бежиз айтилмаган. Ана шу раҳбарлар ўз атрофига ташаббускор одамларни тортмас экан, у яққаланиб қолаверади. Ҳаёт тажрибасидан маълумки, жамоатчилик ишига ҳамма ҳам жон куйдиравермайди. Бироқ бунинг улдасидан ҳозирча бошланғич партия ташкилотларимиз чиқишмаяпти. Тўғри, ҳамма жойда ҳам ишларимиз силлиқина кечаяпти, деб бўлмайди. Аслида фаолиятни қай йўлда олиб бориш аввало БПТнинг ўзига боғлиқ. Бугун мақсадга эришиб бўлмаглигини улар яхши билишади. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бошланғич партия ташкилотларимизнинг иши бошланғиччилигича қолмаяпти, аксинча, қилётган ишларимиз, ёшлар ўртасида ўтказиётган барча тадбирларимизнинг ташаббускорлари ҳам ана шу бошланғич ташкилотларининг ўзлари бўлаяпти.

— Узр, гапингизни бўламан, сиз юқорида халқ мақолларидан бирини келтириб, уни жуда ўрнида ишлатдингиз. Шу топда менинг хаёлимга ҳам бир мақол келиб қолди, яъни мақтанганнинг уйига бор, деган...

— Эҳтимол менинг сўзларим сиз учун мақтов оҳангидан эшитилгандир, бироқ бошланғич партия ташкилотларимиз фаолияти билан танишишингиз, уларнинг етакчилари билан суҳбатлашишингиз мумкин. Биз яқдиллик билан бир қарорга келганмиз, у ҳам бўлса фаолиятимизда қалбакиликка йўл қўймаслик.

— Маълумки, партия аъзоларининг аксарият қисмини тадбиркорлар, фермерлар ташкил этади. Айтингчи, О'зЛиДеРнинг туман кенгаши ўз аъзолари бўлган мулкдорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қила олаяптими?

— Ҳақиқатан ҳам, партиямиз

аъзоларининг асосий қисмини тадбиркорлар, фермерлар ташкил этади. Табиийки, улар ўз бускор одамларни тортмас экан, у яққаланиб қолаверади. Ҳаёт тажрибасидан маълумки, жамоатчилик ишига ҳамма ҳам жон куйдиравермайди. Бироқ бунинг улдасидан ҳозирча бошланғич партия ташкилотларимиз чиқишмаяпти. Тўғри, ҳамма жойда ҳам ишларимиз силлиқина кечаяпти, деб бўлмайди. Аслида фаолиятни қай йўлда олиб бориш аввало БПТнинг ўзига боғлиқ. Бугун мақсадга эришиб бўлмаглигини улар яхши билишади. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бошланғич партия ташкилотларимизнинг иши бошланғиччилигича қолмаяпти, аксинча, қилётган ишларимиз, ёшлар ўртасида ўтказиётган барча тадбирларимизнинг ташаббускорлари ҳам ана шу бошланғич ташкилотларининг ўзлари бўлаяпти.

— Узр, гапингизни бўламан, сиз юқорида халқ мақолларидан бирини келтириб, уни жуда ўрнида ишлатдингиз. Шу топда менинг хаёлимга ҳам бир мақол келиб қолди, яъни мақтанганнинг уйига бор, деган... — Эҳтимол менинг сўзларим сиз учун мақтов оҳангидан эшитилгандир, бироқ бошланғич партия ташкилотларимиз фаолияти билан танишишингиз, уларнинг етакчилари билан суҳбатлашишингиз мумкин. Биз яқдиллик билан бир қарорга келганмиз, у ҳам бўлса фаолиятимизда қалбакиликка йўл қўймаслик. — Маълумки, партия аъзоларининг аксарият қисмини тадбиркорлар, фермерлар ташкил этади. Айтингчи, О'зЛиДеРнинг туман кенгаши ўз аъзолари бўлган мулкдорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қила олаяптими?

— Ҳақиқатан ҳам, партиямиз

Суҳбатдош:
Зиёдулла МУМИНОВ,
«XXI ASR»

НУҚТАИ НАЗАР

ЭЛЕКТОРАТ ИЧИДАГИ ПАРТИЯ ВАКИЛИ

Оттабек Ахтамовни Самарқандда кўпчилик яхши танийди. Табиатан ташкилотчи, эл-юрт манфаатини устун қўйишга одатланган О'зЛиДеР фаоли Ургут туманидаги 57-Кенагас сайлов округидан халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашига депутат этиб сайланган. Айни пайтда мазкур кенгашнинг Қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раисидир

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Илгари ҳам айни шу ҳудуддан депутат этиб сайланган партия вакили халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР гуруҳи раҳбари сифатида самарали иш олиб боргани боис навбатдаги сиёсий жараёнда ҳам сайловчилар ушбу номзодга овоз беришди.

Қизилбош, Қўзичи ва Савгон маҳаллалари фаолларининг эътирофи этишича, депутатнинг саъй-ҳаракати натижасида ҳудуддаги ечимини кутаётган масалалар ҳал этилиши тадбиркорлар сафининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шундай бўлиши табиий. Чунки депутат партиянинг асосий электорати ҳисобланган ишбилармонларга оид масалаларни ўз ваколатлари доирасида ечишга астойдил ҳаракат қилаётипти.

Дарҳақиқат, ҳудудлардаги ижобий ўзгаришларда О'зЛиДеРдан сайланган депутатларнинг муносиб ҳиссаси бор. Буни мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш билан боғлиқ ишларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, О.Ахтамовга овоз берган сайлов округидаги 12 та маҳалла фуқаролар йиғи-

нида биргина жорий йилнинг ўзида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш борасида 50 дан зиёд лойиҳа амалга оширилгани фикримиз далилидир.

— Интенсив боғ барпо этиш мақсадида иккита фермер хўжалиги ташкил этилди, — дейди Оттабек ака биз билан суҳбатда. — Натижада бу хўжаликларнинг 33 гектардан зиёд майдонида



ОТА-БОБОЛАРИМИЗ «ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ», ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИШМАГАН. ТИНИБ-ТИНЧИМАС ДЕПУТАТНИНГ УШБУ ЙўНАЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ, АЙНИҚСА, «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗО-ЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТИДА ЯНАДА ЯҚҚОЛРОҚ НАМОЁН БўЛМОҚДА.

хориждан келтирилган пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари ўтказилди. Ҳам боғ барпо этилди, ҳам 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Қоратела, Савгон, Тароқли, Хўжайдуқ ва Қизилбош маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда иссиқхо-

налар, мевани қайта ишлаш корхоналари, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари иш бошлади. Биз учун муҳим томони, мазкур лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини партиямиз депутатлари назоратга

олишган. Ҳақиқий депутатнинг иши халққа нечоғли яқин экани билан белгиланади. Ота-боболаримиз «Олтин олма, дуо ол», деб бежиз айтишмаган. Тиниб-тинчимас депутатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти, айниқса, «Кексаларни эъзо-злаш йили» Давлат дастури амалга оширишдаги саъй-ҳаракатида янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Мисоллар, дейсизми? Марҳамат. Наврўз байрами арафасида Қўзичи ва Терсақ маҳаллаларида нурунийлар иштирокида ташкил этилган учрашуларда фарзанд тарбиясида ота-она масъулияти, жамоатчиликнинг роли муҳокима қилинди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкорликда бир қатор таълим муассасаларида «Хотира — муқаддас, қадр — абадий»

мавзуда ўтказилган суҳбатларга иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийлари таклиф этилди. Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси кўмагида отахону онахонлар учун бир пиёла чой устида мулоқот уюштирилди.

Сайловчининг ўзи овоз берган депутатга у ёки бу масалада муножот қилиши оддий ҳол. Уларни эътиборсиз қолдирмаслик эса депутат масъулиятига боғлиқ.

— Фуқаролардан тушаётган муножотларнинг аксарияти коммунал соҳалар, йўл, иссиқлик тармоқларини таъмирлаш, телерадиозаттиш сифати, ишга жойлашиш, маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари масъулиятини оширишга доир масалалардир, — дейди депутат. — Уларни биргина тегишли идораларга депутатлик сўровлари жўнатиш орқа-

ли ҳал этиб бўлмайди. Чунончи, Қўзичи маҳалласи фаоллари ҳудудда телерадиоканалларни қабул қилишда муаммолар юзага келаётганлигини маълум қилишганида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд радиотелевизионо марказига депутатлик сўрови юбордик. Лекин бу тезда ҳал бўладиган иш эмаслигини тушунардик. Аммо нима бўлганда ҳам, ушбу юмушни режага киритишга муваффақ бўлдик. Насиб этса, бир йил ичида ҳудуддаги кам қувватли радиотелевизионо станцияларида мавжуд узаткичлар қуввати 30 кВт булган рақамли радиотелевизионоларга алмаштирилади.

Ўрни келганда депутатнинг халқ депутатлари вилоят кенгаши комиссияси раиси сифатидаги фаолиятига ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, сайловдан сўнг мазкур комиссия томонидан турли идораларга 30 дан ортиқ сўров йўлланди. Мутаасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланиб, қонунлар ижроси ўрганилмоқда. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органи» фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонуннинг Булунгур туманидаги ижроси атрофида кўриб чиқилгани сўзимиз исботидир. Натижалар қониқарсиз топилгани сабабли мазкур масалани халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Хуллас, куюнчақ депутат фаолияти сайловчиларнинг ҳақиқатдиққат-эътиборида. Балки унинг бир округдан иккинчи марта энг кўп овоз олганининг сири ҳам ана шундадир.

Дала шийпонидаги қўшма йиғилиш

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси халқ депутатлари Сирдарё вилоят ва Гулистон туман кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди

Дилора ЭСОНОВА,
«XXI asr»

«Орол неъматлари» фермер хўжалиги дала шийпонида бўлиб ўтган тадбирда вилоятдаги энгил санаят корхоналари томонидан пахта толасини сотиб олиш, чуқур қайта ишлаш ва экспорт қилиш, ҳудудий манзилли дастурда белгиланган аҳолининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, экспорт топшириқлари ҳамда асосий иқтисодий параметрлар бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масала бўйича иқтисодиёт бош бо-

ҳамда хорижий корхоналар, 73 таси масъулияти чекланган жамиятлар бўлиб, 72 таси хусусий сектор тасаруфидадир. 5 таси тўқимачилик, 94 таси тикув-трикотаж, 4 таси пайпоқ, 56 таси бинт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

2014 йилда мазкур корхоналарнинг ил-калава ишлаб чиқариш суръати 5,6 минг, трикотаж ҳажми эса 0,393 минг тоннани ташкил қилди.

Ўтган йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръати 111,6 фоизга етиб, 28,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2015 йилнинг январь-май

6,6 миллион долларлик маҳсулот хорижга сотилди.

Ташқи ва ички истеъмол бозорига энгил санаят корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлиги ва харидорлигини таъминлаш юзасидан ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Дастурга мувофиқ жорий йилнинг биринчи ярмида маҳсулотлар таннархини 10 фоизга камайтиришга эришилган. Жумладан, энергия сарфини тежаш, хом ашё ва материалларни меъёрида ишлатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқа харажатларни қисқартириш борасида ижобий силжешлар кузатилди.

Ўрни яратиш белгиланган.

Олий ва ўрта махсус билим юртли билан ҳамкорликда иш олиб бориб, Бахт энгил санаят касб-хунар коллежининг тўқимачилик йўналишини тугатган 98 нафар битирувчининг 72 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

Йиғилишда вилоятда энгил санаят маҳсулотларининг турларини кўпайтириш, сифат даражасини ошириш, ил-газамалар, ипак, синтетик, шу жумладан, жун газламаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича хорижий инвесторларни жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, қўшма йиғилишда Гулистон туманидаги фермер ва деҳқон хўжаликларини молиявий ресурс ва хизматлар билан таъминлаш, фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш ҳисобидан уларга ер майдонлари ажратиш учун қулай шароит яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бугунги ҳолати ҳам муҳокама қилинди.

Очиқ мулоқот ва савол-жавоблар тарзида ўтган йиғилиш давомида О'зЛиДеРнинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилгандек, иқтисодий ўсиш суръатлари изчиллигини таъминлаш, таркибий ўзгаришлар жараёнини янада чуқурлаштиришга оид таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Депутат томошабин эмас, кузатувчи эмас, депутат бу — халқдан чиққан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юрти деб ташвиш чекадиган бўлса, шу мақсадда фидойилик кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамларни мен депутат дейман».

Ислом КАРИМОВ.

Ваъдага вафо — марднинг иши

Халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Мирзаевнинг айтишича, кенгаш фаолиятида партиямиздан сайланган депутатларнинг ўз ўрни ва мавқеи бор

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Зеро, 30 та депутатлик ўрнининг 16 тасини банд этган сафдошларимизнинг барчаси шу мақомга муносиб иш юритиш, сайловчилар ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилишга эришди.

— У ёш бўлса-да, ибратли ишлари билан кўпчиликнинг тилига тушди, — дейди Навоий шаҳридаги Турон МФЙ раиси Нодир Исмаилов. — Ат «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Навоий ҳудудий бўлимида оддий мутахассис сифатида иш бошлаб, билимдонлиги ва тиришқоқлиги боис қисқа вақт ичида унинг бошқарувчиси даражасига етди. 2014 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловда кўп овоз олишга эришиб, шаҳар кенгаши депу-

татлигига сайланди. Маҳалладошларимиз Хусаннинг номзодини маъқуллаб, адашмаганликларини таъкидламоқдалар. Ҳ.Амонов сайловчилар ишончини оқлаб, маҳалла билан ҳамкорликда аҳоли талаб ва таклифларини ўрганиш, муаммоларни ижобий ҳал қилиш борасида самарали фаолият кўрсатяпти. Чунончи, унинг саъй-ҳаракатлари билан учта кўп қаватли уйнинг томлари таъмирланди. Мирзо Улуғбек кўчаси кўркамлаштирилди. Депутатимиз йўллаган сўров асосида шаҳардаги энг серқатнов шохкўчанинг Маданият ва санъат коллежи ёнида пиёдалар ўтиш жойи барпо этилди. Шунингдек, беш нафар коллеж битирувчиси турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Депутатимиз муҳтож оилалар ҳамда кексалар ҳолидан хабар олиш,

уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доимо вақт ва имкон топади. Унинг кўмагида банк кредитлари олган уч нафар маҳалладошимиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

«Турон» МФЙ ҳудудида жойлашган 11-умумтаълим мактаби директори, халқ таълими аълочиси Гулнора Жуманиязова таъбири билан айтганда, «тиниб-тинчимас» Ҳ.Амоновнинг мактаб ҳудудидаги йўлакчани асфальтлаштириш, ўқувчилар учун фитобар ташкил этиш ҳамда видео назорат тизимини ўрнатилиши ҳам хизматлари катта.

«Ваъдага вафо — марднинг иши», дейдилар. Сайлов пайтида берган ваъдаларининг устидан чиқаётган сафдошимиз Хусан Амоновнинг ана шу ақидага амал қилиб, эл олқишини олаётгани бунинг яққол мисолидир.

шқармаси бошлиги Алишер Ураловнинг ахбороти тингланди.

— Айни пайтда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган энгил санаят корхоналари сони 168 тани ташкил қилади, — деди А.Уралов. — Уларнинг 6 таси акционерлик жамияти, 17 таси қўшма

ойларида бу борадаги кўрсаткичлар 121 фоиз ва 13,4 миллиард сўмни ташкил қилди.

Экспорт прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш бўйича вилоятда олиб борилган самарали ишлар натижасида 2015 йилнинг дастлабки 5 ойида

Вилоятда энгил санаят соҳасида замонавий корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизациялаш бўйича 2015 йилга мўлжалланган манзилли дастурга асосан қиймати 48,5 миллион долларлик 11 та лойиҳа амалга оширилди, шундан 800 та янги иш

«XXI ASR» 42 (622)-son, e-mail: xxi_asr@mail.uz

**ПАРТИЯ ҚАТОР
ФУНКЦИЯ ВА
ВАКОЛАТЛАРНИ
МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ
ОРГАНЛАРИДАН
МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ
ОРГАНЛАРИ
ВА ЖАМОАТ
ТУЗИЛМАЛАРИГА
ИЗЧИЛ, БОСҚИЧМА-
БОСҚИЧ ЎТКАЗИБ
БОРИШ УЧУН
ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ.
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ
ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ,
УЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ
ВА МАСЪУЛИЯТИНИ
ОШИРИШ ПАРТИЯНИНГ
УСТУВОР ВАЗИФАСИ
БЎЛИБ ҚОЛАДИ..**

O'zLiDeP Сайловоди платформасидан

Ҳеч ким этибордан четда эмас

Учкўприк тумани марказий болалар поликлиникасидаги O'zLiDeP бошланғич ташкилоти аниқ дамда ўз сафига 25 нафар маслакдошни бирлаштирган. Улар партиявий вазифалар билан бирга «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга жиддий этибор қаратишмоқда. Жумладан, яқинда ўтказилган «Нуронийлар этиборимизда, эъзозимизда» деб номланган давра суҳбатида БПТ етакчилари, халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ва партия тарафдорлари иштирок этдилар. — Тадбирларни мана шундай кўтаринки руҳда, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди қуйи бўғин етакчиси Раънохон Исмоилова. — Партияимиз электорати бўлган тадбиркорлардан тушаётган мурожаатларга нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўлишмоқда. Лозим топилганлар маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи этиборига ҳавола этилади. Муҳими, O'zLiDePнинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб, сафимизга янги аъзоларни жалб қилишга интилаяпмиз. — Бугунги мулоқот давомида ҳам дастур бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ҳудудимизда яшаётган отахону онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оилаларидаги тадбиркорликка лаёқатли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш, бу борада депутатларимизнинг куч-имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга келишиб олдик. Бошланғич ташкилот аъзолари хотин-қизлар ўртасида партиянинг «Мулкдор оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳаларини янада кенгроқ тарғиб қилиш, аёлларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган галдаги муҳим вазифаларни белгилаб олдик. Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

ДЕПУТАТ ВА БПТ ҲАМКОРЛИГИ

Ҳаётий фаоллик, тинимсиз изланиш, ташаббускорлик фази-латларини ўзида мужассам этган инсон доимо янгиликка инти-либ яшайди. Одамлар корига яраш, аниқ мақсадларга қаратил-ган шижоат умримизга унутилмас мазмун бағишлайди. Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдусалим Мўминов ана шундай ёндашувни ўзига шиор қилиб олган. У кўп йиллардан буён вилоят онко-логия диспансерида шифокорлик касбини ардоқлаб келаётир. Депутат сифатида шаҳарда БПТ ишини янада жонлантириш, партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш бора-сида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Шаҳарда унинг кўмаги билан 30 га яқин янги иш ўрни яратилгани ҳам эъти-борга молик

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Диспансер қошидаги БПТга етакчи-лик қилаётган депутат-шифокор ўз сай-ловчилари билан мунтазам учрашиб, уларни ўйлантираётган масалалар бил-лан жиддий шуғулланади. Хусусан, йил бошидан буён қуйи бўғинга ўндан ортиқ сайловчи мурожаат қилган бўлиб, улар ижобий ҳал этилди.

Депутат ва БПТ кўмагида Кат маҳал-ласида касб-хунар коллежини битирган 4 нафар ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Бойси уларга банклардан кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу-гун маҳаллада ўттиздан зиёда тадбиркор аҳолига турли хизматлар кўрсатиш ба-робарида кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган нон ва қандопат маҳсулотлари, акфа эшик-роллар, гишт ишлаб чиқар-моқдалар.

Абдусалим Мўминовнинг ташаббуси билан шаҳардаги Янги турмуш, Оқте-па, Гунгон, Кат, Қавали маҳаллаларида истиқомат қилаётган аҳоли тажрибали шифокорлар томонидан бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Яқинда у яна бир ташаббус билан чиқди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида истиқомат қилаётган кексалар ўртасида теннис мусобақаси ташкил этилди. Шаҳардаги «Ирода» теннис клуби кортида ўтказил-ган мазкур беллашувда 50 нафарга яқин нуроний спортчи қатнашди. Биринчи ўрин Гаппар Гаппаров ва Нарзулла Хол-мўминовга насиб этди. Иккинчи ўринга сурхондарёлик Мусурмон Аноров ва Шавкат Соатмуродов сазовор бўлишди. Учинчи ўринни Раҳматилла Мейлиқулов ва Нейъмат Амиркулов эгаллади. Фолб-ларга партия белгиси туширилган спорт

кийимлари, олтин, бронза ва кумуш ме-даллар ҳамда қимматбаҳо совғалар топ-ширилди.

Абдусалим нафақат O'zLiDeP Қарши шаҳар, балки вилоят кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирларда қатнашиб, маъруза қилади. Аҳолига кўрсатилаёт-ган тиббий хизматни янада замонавий-лаштириш, аналик ва болаликни муҳо-фазалаш, одамлардаги интеллектуал қобилиятни ишга солиш, тадбиркор-ликни ривожлантириш орқали фаро-вонликни таъминлаш, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари самарасини халқи-миз онига етказиш борасидаги тушунти-риш-тарғибот ишларини олиб бораётир.

— Тадбиркорлар бошланғич ташки-лотимизга мурожаат қилиб, коммунал масалаларда амалий ёрдам беришни сўрашди, — дейди А.Мўминов. — Шаҳар газ идораси ва электр тармоқлари раҳ-барларига сўровнома билан чиққаним-дан сўнг аҳоли, айниқса, ёшларнинг пар-тия фаолларига бўлган ишончи ортди. Кўпчилик ёшлар шундан сўнг партияимиз сафарига кириш учун ариза беришди.

Депутатлар билан шаҳардаги барча БПТлар ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, депутат Улуғ-бек Муродов ташаббуси билан Бўстон ва Қаманди маҳаллаларида истиқомат қилаётган кексалар саёхатга олиб бо-рилди. Депутат Сайёра Уринова ёшлар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказишга бош-қош бўлди. Халқ депутатлари Қар-ши шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депу-татлик гуруҳи раҳбари Санжар Эргашев эса югуриш мусобақаси ва катта концерт ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Биз қонунларнинг ижроси юзасидан жойларда партиявий назоратни ўрна-



тиш, аҳолининг тадбиркорликка бўлган муносабати ва қарашларини ўзгартириш, ёшларни ўз юртининг фидойи фарзанд-лари сифатида тарбиялаш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширдик. БПТ ййгилишида фаол қатнашиб, кўта-рилаётган муаммолар ечими хусусида муносабат билдириш ва берилаётган партиявий топшириқларни сидқидилдан бажариш менинг бурчим. Нафақат сай-ловчилар, балки мени номзод этиб кўр-сатган сиёсий партиянинг ҳам ишончини оқлашим керак. Партияимиз ғояларида ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муаммо-ларни бартараф этиш — ўзимизга, билим ва қобилиятимизга, жонқурлигимизга боғлиқ эканлиги аниқ ифодаланган. Партия депутати эса мана шу ғоялар-нинг жонқур ва фаол тарғиботчисидир. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодийни юксалтириш, ишсизлик-ни камайтириш, жамият фаровонлигига эришишни бош мақсад қилиб сиёсий майдонга келган O'zLiDePнинг ғоявий мақсадларини омма онига синдириш, уларни юрт равнақи, эл фаровонлиги, бахтли келажак куриш йўлидаги эзгу ишларга сафарбар этиш кундалик фао-лиятнинг асосий мезонидир. Ҳар бир депутат биринчи галда ўз бошланғич ташкилоти олдида ҳисоб берса, сама-

радорлик янада кучайиши аниқ, Буни ўз тажрибам мисолида айтганман.

— Бугунги кунда Қашқадарёда 16 820 нафар партия аъзоси 822 та бошланғич партия ташкилоти атрофида бирлашган, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши таш-килий-партиявий ишлар бўлими мудури Абдуразоқ Кенғобоев. — Жойларда кенг кўламда ғоявий-сиёсий ишлар тарғиботи йўлга қўйилмоқда. Партия фаоллари-нинг билим ва малакасини ошириш мақ-садида турли давра суҳбатлари ва се-минарлар ташкил этилаяпти. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қийнаб келаятган муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилляпти. Соҳа билан боғлиқ қонунлар-ни такомиллаштириш ҳамда тармоқнинг янада ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ечиш борасида янги-янги ғоялар ўртага ташланмоқда. Масалан, «Ўқув марказлари» фаолиятини жонлан-тириш хотин-қизлар ва ёшлар бандли-гини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Вилоят аҳолиси қадимдан ху-нармандчилик, зардўзлик, дурадгорлик, каштадўзлик касблари билан мунтазам шуғулланганликлари маълум. Шу боис бандликни оширишда мана шу жиҳатлар ҳам эътиборга олинмоқда.

«Ўзбекгеофизика» АЖ «Яккабоғ гео-физика экспедицияси» филиали бо-шланғич партия ташкилоти фаоллари кўмагида туманнинг тоғолди зонасида жойлашган Хўсин қишлоғида муқобил усулда энергия олиш тажрибасини амал-да қўллаб, аҳолини электр нури билан таъминлашда яқиндан ёрдам берилди. Миришкор туман ветеринария бўлими қошидаги БПТ томонидан аҳоли хона-донларида парваришланаётган чорва молларини эмлаш ишлари бажарилди. Шаҳрисабз туманида «Пахлавон» тиб-бий ташхис маркази БПТ ташаббуси билан тумандаги барча коллежларда соғломлаштириш дарслари ўтказилди.

Депутатлар томонидан ичимлик сув, табиий газ ва электр таъминотини яхши-лаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун молия муассасаларидан имтиёз-ли кредитлар ажратишга кўмаклашиш, касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам қатор амалий ишлар қилинди. Бир сўз билан айтганда, вилоятда БПТ билан депутатлар ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилганлиги аҳоли саломатлигини му-стаҳкамлаш, бандлиги ва фаровонли-гини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Таҳлилий-танқидий баҳо берилди

O'zLiDeP Бекобод шаҳар кенгашининг кенгайтирилган ййгилишида халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, бошланғич ташкилотлар раислари иштирок этган тадбирда партия шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Ниязов маъруза қилди. Аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлиmlарининг санкиз ойлик фаолияти юзасидан кенгаш раисининг ўринбосарлари З.Каримбоева ҳамда А.Холмуродовнинг ҳисоботлари тингланди. Халқ депутатлари Бекобод шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари М.Бегалиевнинг ахбороти эшитилди. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг жорий йил 4 августдаги кенгайтирилган мажлиси қарориди қайд этилган намчиликлар қай даражада бартараф этилаётганига таҳлилий-танқидий баҳо берилди. Кенгаш ййгилишида партиявий фаолликни янада ошириш, сайловчилар ишончини оқлаш, депутатлик гуруҳи имкониятларидан самарали фойдаланиш, БПТлар фаолиятини жонлантириш ва бошқа масалалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Дилором ТУРСУНОВА, O'zLiDeP Бекобод шаҳар кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти.



Биз — XXI асрда яшайпмиз!
Биз — XXI асрда ишлайпмиз!
Сиз — «XXI ASR»га 2016 йил учун обуна бўлдингизми?

Нашр индекси: 406
Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

Туркум давра суҳбатлари

Бугун Олот туманида 919 нафар O'zLiDeP аъзосини бирлаштирган 38 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Кўпчилик маслакдошларимизни жамлаган БПТлардан бири — Жумабозор қишлоқ фуқаролар ййғинидаги Норсаид Тошев етакчилик қилаётган қуйи бўғин бўлиб, унинг 27 нафар аъзоси бор

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Партия фаоллари ҚФЙ таркибидаги Човдир, Мух-тор ва Кесагли маҳалла фуқаролар ййғинларида истиқомат қилувчи турли ёшдаги аҳоли вакиллари билан тез-тез учрашиб, O'zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларини атрофлича тушунтиришмоқда-лар. Узаро суҳбатлар чоғи-да ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ аёлларининг муҳим жара-ёндаги ўрни бўйича фикр алмашилаяпти.

Партия туман кенгаши томонидан мазкур БПТ бил-лан ҳамкорликда ташкил этилган «Давлат ҳокимияти-ва бошқарувини демократ-лаштиришда хотин-қизлар-нинг ижтимоий-сиёсий фаол-лигини оширишнинг устувор йўналишлари» мавзудаги давра суҳбатида халқ депу-татлари туман кенгаши

депутати Б.Оқчиев, туман нотариал идораси нотари-уси О.Муродова, «Аёллар қаноти» гуруҳи раҳбари Л.Чўлпилова, ҳокимлик бош мутахассиси Д.Қаюмова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Тадбирда нафақат ту-ман маркази, балки чекка ҳудудларда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўл-ган аёллар учун ҳам етар-лича шaroит яратилгани хотин-қизларнинг ижтимо-ий-сиёсий фаоллигини оши-ришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкид-ланди.

«Агробанк» АТБнинг Бухоро вилоят бошқар-маси қошидаги O'zLiDeP қуйи бўғини аъзолари ҳам партия фаоллари иштиро-кидаги турли тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Яқинда Ки-ерда ташкил этилган «Ки-чик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектларини тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар то-

монидан қўллаб-қувватлаш масалалари» мавзудаги давра суҳбати иштирок-чилари мамлакатимизда банк-молия соҳасида амал-га оширилаётган ислохот-лар ва уларнинг аниқ на-тижалари билан яқиндан таништирилди.

Давра суҳбатида сўз ол-ган O'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши раисининг бирин-чи ўринбосари С.Ҳамроев, «Агробанк» АТБ вилоят бо-шқармаси иқтисодий таҳ-лил бўлими бошлиғи, БПТ раиси Ж.Саломов ва бо-шқалар тадбиркорлик субъ-ектларининг, шу жумладан, партия аъзоси бўлган соҳа ходимларининг тижорат банкларидан кредит олиш масаласида бир қатор имтиёз ва преференция-лар яратилганлиги, бу эса банк-молия муассасалари ходимларининг ўз вазифа-ларига давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ёнда-шишларини тақозо этаётга-нини таъкидладилар.

ЖАРАЁН

Made in Uzbekistan

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Юртимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, инновацион ютуқларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар ички бозоримизни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида экспорт имкониятларини ҳам оширмақда. Буни чарм-пойабзал sanoatidaги ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу соҳага маҳаллий ва чет эл инвестицияларининг кенг жалб этилаётгани замонавий корхоналар ташкил этилишига пухта замин яратаяпти.

Айни пайтда 65 тадан ортиқ корхона ўзида жамлаган «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан жорий йилда модернизациялаш манзилли дастурига асосан жойларда жами 151 та лойиҳа амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, 65,3 млн. долларлик инвестиция киритилиши, 2460 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Хусусан, январь-сентябрь ойларига 63 та лойиҳа учун 45,8 млн. долларлик инвестиция киритилиб,



940 та янги иш ўрни яратилди. — Биргина Андижон вилоятида 7 та лойиҳа учун 2662 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилди. — дейди уюшма бош мутахассиси Дилдора Мақсудова. — Натижада 130 та янги иш жойи очилди. Масалан, «Хўжаобод» ва «Элегант» МЧЖларида модернизация

ишлари амалга оширилиб, 20 минг донга чарм-атторлик маҳсулотлари, 10 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Бундай мисолларни республикамизнинг барча вилоятларидан келтириш мумкин.

Уюшма таркибига кирган корхоналар томонидан ишлаб

ёхуд мамлакатимиз пойабзалчилари ташқи бозорга чика бошлагани хусусида

қўшилмоқда.

— Корхонамиз эркаклар пойабзали, туфли, кроссовка ишлаб чиқармоқда, — дейди Зангиота туманидаги «Favourite tekstil group» МЧЖ бўлим бошлиги Манзура Фуломова. — Маҳсулотларимиз асосан ички бозорга тарқатилади. Технологийларимиз хориждан келтирилган. Айни пайтда экспортга чиқариш бўйича Россия ва Хитойдаги ҳамкорлар билан музокаралар олиб бормоқдамиз.

Уюшмага аъзо корхоналар томонидан болалар ва спорт пойабзалларини кўпайтириш бўйича бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилаётгани ҳам эътиборга молиқдир. Хусусан, Самарқанд шаҳрида замонавий спорт пойабзалларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, 700 минг АҚШ доллари қийматида эга янги — «Амр Ул Бахр» МЧЖ иш бошлади. Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги «Хўжаобод» МЧЖда янги турдаги болалар спорт анжумлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маргилон шаҳридаги «Гранд Кибо» хусусий корхонасида 10 хилдаги болалар пойабзали тайёрланаётгани ҳукумат томони томонидан болажонлар

учун кўрсатилаётган катта эътибордан далолатдир. Энг муҳими, уларнинг аксарияти хусусий корхоналардир.

Саноат тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ўстириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш асосида энгил саноатнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги йил сайин ортиб бораётир. Жаҳон бозорига чарм ва пойабзал маҳсулотларига талаб ортиб бораётгани эса экспорт географиясининг ривожланишини таъминламоқда. Жорий йил давомида мамлакатимиз пойабзалчилари дунёнинг 11 дан ортиқ давлатлари, жумладан, Покистон, Россия, Сингапур, Қирғизистон, Чехия, Украина, Қозоғистон, Туркия, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Хитой бозорларига маҳсулот чиқара бошладилар. Хорижда уюшманинг иккита йирик Савдо уйи ташкил этилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда 100 млн. доллардан ортиқ маҳсулот экспорт қилиниши кутиляпти.

Мурожаатларнинг кўплиги яхшими ёки камлиги?

Ҳар қандай сиёсий кучнинг мавқеи унинг амалий ишлари билан ўлчанади. Шу маънода О`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши фаолиятига назар ташласак, «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» шиори остида юртимизда кенг қўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш, яратувчилик ишларида бевосита иштирок этаётган маслақдошлар бошини қовуштириб, уларни янги марраларга руҳлантираётган жамоа изланишлари яққол кўзга ташланади

Эльмира РАҲМОНОВА,
«XXI asr»

Бугунги кунда вилоятда 6950 та фермер хўжалиги ва 40 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолият юритиб, ҳудуд тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Биз учун муҳими, улар етакчиларининг кўпчилиги О`zLiDeP аъзоларидир. Шу боис ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам сафдошларимиз диққат эътиборида. Тадбиркорлар ҳам, ўз навбатида, партия вилоят кенгашига турли тавсия ва маслаҳатлар, ёзма, оғзаки аризалар билан мурожаат этиб турибдилар. Жорий йилнинг биринчи ярмида умумий мурожаатлар сони 57 тани ташкил этиб, уларнинг барчаси ўрганиб чиқилди.

Масалан, Хонобод шаҳридаги Навоий маҳалласида яшовчи Насибхон Нозимов сартарошлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредит олиш, Янги ҳаёт маҳалласида истиқомат қилувчи Анвар Тўхтабоев тадбиркорлик фаолиятини бошлаш. Жалолқудуқ туманидаги «Гулжаҳон XXI» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Гулжаҳон Усмонова қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омбори қуриш учун ер майдони ажратилишида ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Жалолқудуқ туманидаги «Мундузбек фахри» фермер хўжалиги раиси Қувончбек Мундузов хўжаликни қоққилдан чиқаришда амалий маслаҳат сўраган бўлса, шу тумандаги яқка тадбиркор (коллектив битирувчиси) Рўзихон Хўжабердиева ширинликлар ишлаб чиқариш цехини ташкил қилиш учун кредит ололмаётганлигини маълум қилган.

Хўжаобод туманидан Шоҳсанам Турсунова, Файзулло Муталипов, Аҳ-

мадилло Мирзаҳамидов, Дилшодбек Маҳмудов мурожаатлари ҳам бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқдир. Энг муҳими, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Партия вилоят кенгаши саъй-ҳаракатлари билан яқка тадбиркорлар Ойбек Каримов ва Улуғбек Тешабоевга 50 млн. сўмгача бўлган имтиёзли кредит маблағи олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Ақром Ҳакимовнинг мебель ишлаб чиқариш корхонаси учун ижара шартномаси асосида бино ажратиш ҳақидаги илтимоси билан халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси М.Вахобов астойдил шуғулланди.

Юқорида асосан мурожаатлар ва уларнинг ечимларига тўхтаганимиз бежиз эмас. О`zLiDeP амалий ишлар раисидир. Шу боис вилоятда либерал-демократлар фаолиятига қизиқиш йил сайин ортиб бораётир. Бунга Асака тумани Бозорбоши МФЙ ҳудудида яшовчи 109 нафар аҳолининг О`zLiDeP-га аъзо бўлиш мақсадида ариза билан мурожаат қилингани яққол мисол бўла олади.

Халқимиз эртанги кунга ишонч, ёруғ орзу-умидлар билан яшамоқда. Уларнинг ҳар бири ҳалол меҳнати билан оиласи, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш ниятида. Бугун ҳар бир соҳада ўзгариш, оилаларда, кўн-гилларда хотиржамлик. Мавжуд муаммолар ечими эса жойлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, сиёсий партияларнинг нечоғли фаоллиги ҳам боғлиқдир. О`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши ва унинг қўйи партия ташкилотлари ўз фаолиятини ана шу нуктага назар асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

О`zLiDePнинг истиқболли лойиҳаларидан бири — «Хавфсиз интернет» ёшлар ўртасида маънавий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Янгиер шаҳрида бўлиб ўтган форум ана шу мавзуга бағишланди



ДУНЁНИНГ ЭНГ КАТТА ДУКОНИ

Дилора ЭСОНОВА,
«XXI asr»

Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда дунё аҳолисининг 40 фоиздан зиёди ўз ҳаётини интернетсиз тасаввур қила олмайди. Биргина мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 2007 йилда 1 миллион кишини ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 10,2 миллион нафарга етди. Бу жами аҳолининг 32 фоизи, демакдир. Юртбошимиз «Интернет — бу катта дукон, дуконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак», деб таъриф берган эди. Дарҳақиқат, интернет тез ва арзон маълумот олиш, уни етказиш ва қайта ишлаш борасида катта имкониятларга эгадир.

Кейинги вақтда ушбу тармоқ йигит-қизларнинг билим олиши, дунёқарашини кенгайтириши учун қатор қўлайликларни яратиш баробарида уларнинг онгига ёт, бузғунчи сиёсий партияларнинг нечоғли фаоллиги ҳам боғлиқдир. О`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши ва унинг қўйи партия ташкилотлари ўз фаолиятини ана шу нуктага назар асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

монидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, учрашувлар, жонли мулоқот ва форумлар ташкил қилинган.

Жумладан, Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида Янгиер қурилиш ва коммунал касб-хунардан коллежида ўтказилган «Ёшларда интернет одобини шакллантиришнинг асослари» мавзусидаги форум ана шулардан биридир.

Унда О`zLiDeP Янгиер шаҳар кенгаши раиси Гулҷеҳра Жонжигитова сўзга чиқиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини тартибга солиш, интернет хизматларини ривожлантириш, аҳолининг бу соҳадаги талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасида кўплаб қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлади.

— Ҳозирда интернет аудиториясининг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Албатта, ахборот тармоғида яратилаётган имкониятлар жуда кўп. Бирок улар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига қучли таъсир ўтказиб, жиддий

муаммоларни келтириб чиқараётганлиги ҳам сир эмас. Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, ёшларни глобал тармоқдаги бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш, уларда интернет маданиятини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, йигит-қизларни турли хил ахборот хуружларидан асраш, салбий веб-сайтлар орқали кириб келаётган ёт ғояларнинг олдини олиш мақсадида партияимиз томонидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — деди О`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Хусан Жаббаров. — Унда мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш билан бир қаторда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

— Битмас-туганмас ахборот манбаи бўлган интернет орқали турли янгиликлардан хабар топаёلمиз, ўзимизга керакли илмий ва бадиий адабиётларни ўқияёلمиз. Интернет орқали самолётга чипта, меҳмонхонадан жой олинапти, савдо-сотик қилинапти, — деди Янгиер қурилиш ва коммунал касб-хунардан коллежининг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор Уринбосари Х.Жўрақулов. — Бу яхши, ammo биз миллий ғояларимизга мутлақо ёт бўлган тушунчаларнинг интернет орқали ёшлар онгига таъсир ўтказиши, юртимиз оёй-ишталлигига таҳдид солишига асло йўл қўймаймиз лозим. Бинобарин, ҳозирги кунда ёшларни турли ахлоқсиз, бузғунчи сайтлардан сақлаш, уларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Акс ҳолда сунги пушаймонимиз ўзимизга душман бўлади.

Шунингдек, тадбирда сўз олган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгиер шаҳар кенгаши раиси Ж.Шербеков, Янгиер шаҳар ИИБ ХООБ катта инспектори А.Бекназаров, О`zLiDeP Янгиер шаҳар кенгаши раиси ўринбосари М.Ҳолматов ва бошқалар интернетдан фойдаланиш маданиятини янада ошириш, турли бузғунчи ғояларнинг ёшлар онгига салбий таъсирини камайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Форум давомида «Хавфсиз интернет ва ахборот асрида ёшлар» мавзусидаги бир нечта слайд-тақдимотлар билан ҳам таҳлил қилинди.

Жалойирликлар фахри

Риштон кулолчилик мактаби нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам донг таратган. Ҳозир туманда истиқомат қилаётган 180 мингдан зиёд аҳолининг 30 минг нафари бевосита шу хунардан шугулланади. Устоз-шогирдлик аънаси авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ҳудудда халқ амалий санъатига жиддий эътибор қаратила бошланди. 2011 йилда туман ҳокимлиги томонидан 33 гектарлик кулолчилик маркази яратиб берилганиги бунга яққол мисол бўла олади. Бундан ташқари, деярли барча қишлоқларнинг ўз кулоллари бор. Жалойир қишлоғи ана шундай гушалардан биридир. О`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Тоҳиржон Ҳайдаровнинг бу ердаги мактабидан кейинги йилларда 40 нафардан ортиқ шогирд етишиб чиқди.

— Дастлаб лаганларга шоир ва ёзувчиларимизнинг суратларини чизиб, кулоллар сафига кириб келганман, — дейди Тоҳиржон ака. — Бир қарашда ҳамма ҳам эътибор беравермайдиган оддий лойдан ясалган идишларга термулиб, унинг киши илгамас мўъжизаси борлигини ҳис эта бошлаганидан сўнг Ўзбекистон Халқ устаси Набижон Қодировга шогирд тушганман. Шунга ҳам 30 йилдан ошди. Энди ўзим ёшларга устозлик қилаяман.

Моҳир кулол шогирдларга хунардан ўргатиш баробарида хонадонда уй музейи ташкил қилган. 1991 йилдан буён пойтахтда мунтазам кўргазмалар ташкил этиб келяпти.

— Устозга шогирд тушганимда 10 турдаги кулолчилик маҳсулотларини ясашни ўргатган бўлсам, — дейди Тоҳиржон аканинг кенжа шогирди, мактаб ўқувчиси Жасурбек Хошимов, — ҳозир улар тури 30 хилдан ошди. Устоз курсига қандай ўтириш, гавдани қандай тўтишдан тортиб, кўл кафти, бармоқларни қандай ишлатишни кунт билан ўргатдилар. Баъзан ясаган буюмларим кўнглидагидек чиқмай қолса, «салгина юрак кўри етишмаяпти», дея «дашном» бериб кўядилар.

Тоҳиржон устоздоннинг ўғиллари Элбек ва Темурбек ҳам ҳозир қишлоқнинг олди кулолларида саналади. Илҳомжон Полвонов, Жаҳонгир Абдураҳмонов эса алақачон хусусий устaxonа очиб, мустақил фаолият олиб борапти.

— Ҳозир қўлимда 20 нафардан ортиқ шогирдим бор, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, «Дуслик» ордени соҳиби Тоҳиржон Ҳайдаров. — Туман ҳокимлиги яна кўшимча ер майдони ажратиб берди. Шогирдлар билан янги устaxonа қураёلمиз. Мақсад — «уста-шогирд» аънасини давом эттириб, миллий хунардончилигимизни янада ривожлантириш.

Юқоридагилар Тоҳиржон Ҳайдаров ижодий портретига мўъжаз чизилар, холос. Устознинг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидаги О`zLiDeP гуруҳи аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам ибрат олма арзигулик. Элюрт хурматини қозонган сафдошимиз партия электорати манфаатларини ҳимоя этишда бошқаларга ўрнатиб келяпти.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

СЎНГГИ САҲИФА

Йўқолгани рост бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги яқинда кучга кирган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги янги қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган анжуман ўтказди

Дилноза НОМОЗОВА,
«XXI asr»

Унда мазкур қонун санитария-гигиена қоида ва меъёрларига риоя қилиш тизимини янада такомиллаштирилишининг ҳуқуқий асоси эканига алоҳида урғу берилди. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари, айна соҳадаги мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини

таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки аниқ кўрсатилгани, жисмоний ҳамда юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан биргаликда уларнинг жавобгарлиги ўз ифодасини топганига эътибор қаратилди. Мамлакат ҳудудининг санитария-экологик муҳофазаси, профилактик эмлашлар, мажбурий тиббий кўриklar, фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш, юқумли касалликлар ўчоқларида эпидемияга қарши

кураш ҳамда дезинфекция тадбирлари ўтказиш нечоғли аҳамиятга эга вазифа эканини матбуотда кенг ёритиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Мутахассислар берган маълумотларга кўра, 1992 йилдан буён «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун доирасида ўтказилган тадбирлар натижасида аҳоли орасида юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни сақлаб туриш борасида эришилган муваффақиятлар, хусусан, ўтган

давр мобайнида мамлакатимизда қатор юқумли касалликлар даражаси сезиларли пасайгани, 1993 йилдан вабо, тошмали тиф, 1996 йилдан полиомиелит, 2000 йилдан дифтерия касалликлари рўйхатга олинмагани мамнуният билан қайд этилиб, кучга кирган янги қонун соҳа тараққиётининг янада юксалишига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Биз эса ҳалқимиз ибораси билан «Уша касалликлар йўқолгани рост бўлсин!» дея ушбу хабаримизга нукта қўямиз.

Эзгуликка йўғрилган фестивалъ

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик аҳоли барча қатламлари, хусусан, ёш авлод вакиллари қалбига акс-садо бериб, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Фарғона шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўқувчи-ёшлар иштирокида «Бутун дунёда дўстлашсин фарзандларимиз!» шори остида ўтказилган фестивалда айнан тинчлик ва осойишталикнинг қадри, миллатлараро тотувлик, ўзаро дўстлик-биродарлик ва соғлом турмуш тарзининг қиёси йўқ неъмат эканлиги ҳақида сўз юритилди. Санъатсевар ёшлар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, умумтаълим мактабларида ташкил этилган тўғарақлар аъзоларидан иборат турли миллат вакиллари ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқлар тўпланганларга маънавий завқ улашди.

Янги «Бахт уйи»

Кўштепа туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштириш асосида қад ростлаган бинода ёш оилаларнинг никоҳ маросимини ташкил этиш ва тантанали равишда ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, «Оила дорилфунуни», «Ёш оила курувчилари мактаби» хоналари, Маросимлар зали, ҳужжатларни сақлаш ва бошқа хоналар бугунги кун талаблари даражасида жиҳозлангани билан эътиборни тортлади.

Янги «Бахт уйи»да дастлабки никоҳ маросими ҳам бўлиб ўтди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси учун 2016 йилга обуна бошланди. Янги йилда ҳам биз билан бирга бўлишингизга ишонамиз.

НАШР ИНДЕКСИ
УША-УША — 406.
Дарвоқе, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузган юридик ва жисмоний шахсларга чегирмалар бор.
ТЕЛЕФОН ҚИЛИНГ: 255-68-50, 215-63-80, 281-40-17.

РЕКЛАМА

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:	Хорижий валютада:
<p>«БАРАКАЛИ» Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«ШОДИЁНА» (АҚШ долларида) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«БАҲОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«МАДАД» (АҚШ долларида) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.</p>	<p>«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ИМТИЁЗЛИ» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.</p>	

Шу билан бирга, «Асака» банк қўлай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 40 дан зиёд омонат турини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк – тадбиркорлик тараққиётининг мустақкам таянчи!

www.asakabank.com Хизматлар лицензияланган.

САЛОҲИЯТ СОҲИБАСИ

ёки шўх-шодон қизнинг қандай қилиб таниқли тадбиркорга айлангани хусусида мухтасар ҳикоя

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Гужум остида учрашган кампирларнинг гурунги авжида

— Анаву Ризоқул дўқончининг кенжаси кеча мактабга қўрбақа обориб, қизларни роса қўрқитибти...

— Адашмасам, унинг кенжаси қиз эди, шеклилли, — саволмуз гап ташлади суҳбатдошлардан ёши каттароғи.

— Тўғри. Аммо ўнча ўғил боланинг жавобини берадиган қиз, — давом этди гапдон кампир.

— Бўлди-бўлди. Тушундим. Каптарбоз қизини айтяписизда?

Қачон қарама ўғил болалар билан «чур-ур» ҳуштак чалиб, осмонга каптар учиради...

Хатирчидаги Учқора маҳалласи кампирларининг юқоридаги мулоқоти бўлган-бўлмаганлигини билмадим, лекин улар тилга олган Ризоқул магазинчининг кенжаси — Соҳиба ҳақиқатан ҳам шаддоод, айртгани албатта бажарадиганлардан эканига яқинда амин бўлдим. «Тинчлик элчиси», дея ном олган кабултарларга шайдолиги рост экан.

— Бир сафар дашта ўғил болалар билан пода боқатиб, каптар учиршига берилиб кетганидан битта қўйни йўқотиб келгани, — дейди унинг акиси Отамурод қулиб. — Сувудан ажралган қўйни туттиш қийин бўларкан. Ярим тунгача роса овора бўлганмиз. Онам раҳматли «Қиз бола қозон-товоқ, бичиш-тикиш, рўзгор тутишни ўрганиши керак», дея роса койгандилар ўшанда.

Соҳибанинг болалик дамлари ана шундай ўтган. Кейин техника кумда ўқиб, қишлоқ хўжалик ходими бўлди. Кондитерликка қизиқиб, узоқ йиллар шу соҳада ишлади. Оилали, бола-чақали бўлди ҳамки, ўзига хос қайсарлиги, хаёлпарастлиги қолмади.

Истиқлол шарофати билан юртимизда улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари бошлангач, шаҳару қишлоқлар қиёфаси ўзгарди. Янги-янги маданий-маиший иншоотлар кўпайди. Жумладан, 2004 йили Навоий шаҳридаги истироҳат боғини аҳолининг ҳақиқий

дам олиш масканига айлантиришга киришилди. Соҳиба Барноева каби серғайрат, шижоатли одамларга катта имкониятлар эшикларини очилди. Айниқса, сайлгоҳда ҳайвонот боғи очилармиш, деган хабарни эшитгач, у бутунлай ҳаловатини йўқотди. Югура-югура боғ ҳудудидан ажратилган уч гектарлик майдонда ҳайвонот боғи қуришдек масъул ишни ўз зиммасига олди. Шу мақсадда «Умид» МЧЖга асос солиди ва беш йил деганда ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан ҳайвонот боғининг 28 бўлмадан иборат ертўла ва икки қаватли иккита биносини қуриб битказди.

Соҳибанинг акиси, иш юритувчи Отамурод Барноевнинг таъкидлашича, айни кунда республикамиз табиатида учрайдиган 60 дан зиёд парранда, хонаки ва ёввойи ҳайвонлар учун мақбул шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Олти миллион сўмга сотиб олинган қўнғир айқини томоша қилгани кунига юзлаб болақай келади. Наврўзда Америка тўяси деб аталувчи ламанинг болалагани жамоа аъзолари учун қўша-лоқ байрам бўлди. Макака маймунчаси эса ҳаммининг эркактойи. Бир сўз билан айтганда, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига завқ-шавқ улаштиришга, ёш авлодининг юртимиз табиати ҳамда ҳайвонот олами билан яқиндан танишиши учун барча ишлар қилинган.

— Ҳайвонот боғидаги бургут, лочин, товус, лайлак, оққуш, каптар, қалқар, канарейка, ўрдақ, фоз сингари ўнлаб турдаги хонаки, ёввойи ҳамда декоратив қўш ва паррандалар, шер, бўри, қўнғир айқ қабил ийртқич, тўрт сохли қўқор, алқар, лама сингари ҳайвонлар, Эму туяқуши, чўл ва денгиз тошбақаси, аквариум балиқлари, турфа илонлар, 20 дан зиёд турдаги гулларни болажонларимиз билан томоша қилдик, — дейди шаҳардаги 15-сон мактабгача таълим муассасаси методисти Дилором Мавлонова. — Энг асосийси, бу ерга келган болажонлар нафақат Ўзбекистонимиз, балки Ер юзи ҳайвонот дунёси, фауна ва флораси билан яқиндан танишиб, мириқиб дам олдилар. Катталар

ҳикояларида эшитган, телевизорда томоша қилган жониворларни тирик кўришнинг завқи бошқача-да, ахир.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Фақат ҳайвонот боғига таширф бўлувчилардан йўғиладиган маблаг ҳисобига тушди катта «оила»ни боқиб мушкул. Соҳиба шунинг ҳам йўлини топди. Бунда 2012 йилда Малайзияда ўрганган тажрибаси иш берди. Маҳаллий ҳокимликлар кўмагида ҳайвонот боғи ва унинг атрофида автодром, кулгихона ҳамда турли хил автомат ўйинлар, яхна ичимликлар билан савдо қилувчи дўкон ва суратхона сингари хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этди. Бу эса боғда «яшовчи»лар учун қўшимча маблағ ишлаб топиш ва қишда 10, ёз мавсумида эса 20-25 нафаргача ёшнинг иш билан бандлигини таъминлаш имконини берди.

— Қурилиш пайтида фил учун бўлма қуришни ҳисобга олмаганимиздан афсусдаман, — дейди Соҳиба. — Аммо, нима бўлганда ҳам, битта фил оlib келмагунча тиниб-тинчимайман.

Қаҳрамонимизни фақатгина ишбилармон сифатида таърифласак адолатсизлик қилган бўламиз. У Истиқлолдан бахт топган минглаб ўзбек тадбиркор аёлларининг типик вакили, кўплар ҳавас қиладиган намунаги оила соҳибаси ҳамдир. Бир пайтда ўргангани — кондитер маҳсулотлари тайёрлашни ҳам жойига қўяди. Сариштали бека янглиғ ҳар бир меҳмонни меҳр қўшиб тайёрлаган паловию, пишириқлари билан кўнглидагидек сийламай жавоб бермайди.

Донолар «Яшадан мақсади бўлсин одамнинг», дея бежиз айтишмаган. Лангар тоғларидек улкан ва залворли орзулар қалбини тўлиқлантириб турувчи ғайрат-шижоат, қатъият ва матонат эгаси — Соҳиба Барноева ёшлик орзуларининг рўёбга чиққани, ҳаётда ўз ўрнини топгани, юрт ва юртдошларининг қорига ярагача таълим муассасаси методисти Дилором Мавлонова. — Энг асосийси, бу ерга келган болажонлар нафақат Ўзбекистонимиз, балки Ер юзи ҳайвонот дунёси, фауна ва флораси билан яқиндан танишиб, мириқиб дам олдилар. Катталар

Бундай инсонларни эса эзгу мақсад ва интилишлар ҳеч қачон тарк этмайди.

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

ZAZ Forza
дв: 109 л.с.
бензин / газ

LADA

Нива Бизнес - пикап, 4X4
Дв: 80,92 л.с. - бензин / газ

CHANGAN

Changan Бизнес - пикап, 2-5 мест
Двигатель: 82 л.с. - бензин / газ
Грузоподъемность: 1,5 - 2,0 тон.

ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93, (+998 91) 162-99-99, (+998 95) 177-01-17, (+998 71) 140-41-21, (+998 95) 199-82-92, (+998 91) 191-19-49, (+998 90) 932-33-38

www.sardor-avto.uz Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган